2009 йил 7 сентябрь, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ  № 180 (11.491)  Баҳоси эркин нархда

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 сентябрь куни Оқсаройда «MAN» компаниялар гуруҳи Директорлар кенгаши раиси Хокан Самуэльссонни қабул қилди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи муносабати билан мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар ва ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий қутловлар келиши давом этмоқда.**

**● Музробод туманидаги Жартепа қишлоғида ғишт заводи бунёд этилди. Замонавий дастгоҳлар ўрнатилган мазкур заводда кунига 80-100 минг дона маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти мавжуд.**

**● Наманган шаҳрининг «Гўзал» мавзесида тиббиёт коллежи биноси фойдаланишга топширилди. «Наманган темир-бетон буюмлари заводи» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари бунёд этган мазкур 2-тиббиёт коллежи 585 ўқувчига мўлжалланган бўлиб, бунёдкорлик ишларига 2 миллиард 715 минг сўм маблағ сарфланди.**

**● «Тошкент — Термиз» йўловчи ташиш поезди Термизга «Тошгузар—Бойсун—Қумқўрғон» темир йўли орқали кириб келди. Энг қувонарлиси эса «Тошкент—Термиз» йўловчи ташиш поездининг янги темир йўл орқали манзилга етиб келганлиги бўлиб, бу Сурхон воҳаси элини ниҳоятда қувонтирди.**

**● Тошкент ирригация ва мелиорация институти жамоаси электрофильтр яратди. У турли корхоналар, тиббиёт муассасалари ва уй-жойларнинг ҳавосини зарарли чанглардан — аэрозол зарраларидан тозалашда қўл келади. Шунингдек, атроф-муҳит тозалигини асраш ҳамда саноат корхоналаридан учиб чиқаётган моддаларни ушлаб қолиш имконини ҳам беради.**

**● Заркентда жорий йилда 435 ўринли саноат ва сервис касб-ҳунар коллежи қад ростлади. Ушбу билим масканида шаҳарча ёшлари ва юртимизнинг турли ҳудудларидан келган йигит-қизлар тўрт йўналишда тоғ-кон соҳаси мутахассисликлари бўйича касб-ҳунар ўрганади.**

### ЖАҲОНДА

**● Сербиядаги ўқ-дори ишлаб чиқарувчи корхонада портлаш юз берди. «Associated Press» ахборот агентлигининг хабарига кўра, портлаш Ужице шаҳридаги «Први Партизан» заводида юз берган. Бахтсиз ҳодиса туфайли 6 киши ҳалок бўлиб, ўнга яқин одам тан жароҳати олган.**

**● Хорижий оммавий ахборот воситаларида ёзилишича, Испанияда ишсизлар сони кескин ўсиб бормоқда. Статистика маълумотларига қараганда, мамлакатда август ойида ишсизлик даражаси 2,4 фоизга ошган. Натижада ишсизлар сони 3,6 миллион кишига етган.**

**● Индонезияда кучли ер силкиниши содир бўлди. Мамлакат пойтахти Жакарта шаҳридан 200 километр жанубда кузатилган зилзиланинг кучи Рихтер шкаласи бўйича 7,3 баллга тенг бўлган. Табиий офат туфайли 33 киши вафот этганлиги қайд этилмоқда.**

**● АҚШнинг Калифорния штатида кучли ўрмон ёнғинлари кузатилмоқда. Хабарларда айтилишича, айни пайтда ушбу табиий офат Лос-Анжелес шаҳри атрофида «жунбушга келган». Натижада 60 га яқин турар жой биноси ва қарийб 500 квадрат километр ўрмонзорнинг кули кўкка совурилган.**

**● Афғонистонда Миллий хавфсизлик хизматининг юқори лавозимли ходимларидан бири бўлган Абдулла Лагмани ҳалок бўлди. Таъкидланишича, у амалга оширилган қўпоровчилик ҳаракати туфайли ҳаётдан кўз юмган.**

**● Кубада янги ўқув йили мамлакатнинг собиқ етакчиси Фидель Кастрога бағишланди. Бу ҳақда маҳаллий телевидение хабар тарқатди.**

**● Англиянинг «Челси» футбол клуби бош мураббийи Карло Анчелотти жамоанинг 32 ёшли ҳужумчиси украиналик Андрей Шевченкони трансфер бозори ёпилгунича клубни тарк этишини тасдиқлади.**

# ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

2200 Тошкент 2009

**Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилада тиббий маданиятни ошириш, энг аввало аёлларнинг саломатлигига эътиборни кучайтириш, соғлом ва баркамол авлодни камолга етказиш муҳим вазифалардан биридир.**





Қарор ва ижро

## СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ ФАРЗАНД

Зеро соғлом онадан соғлом фарзандлар дунёга келади.

Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда. Мазкур Қарор ижросини таъминлаш бўйича бугунги кунда жойларда кенг кўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Шайхонтоҳур туманидаги 47-оилавий поликлиникада ҳам Қарор ижроси йўлида ибратли ишлар қилинмоқда.

— Поликлиникамиз 23 мингдан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатади, — дейди 47-оилавий поликлиника бош шифокори Ақида Содиқова. — Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, турли хил касалликларнинг олдини олиш, бизнинг асосий вазифаларимиздандир. Поликлиниканинг асосий иш бўлими профилактика ишлари ҳисобланади. Профилактика ишларининг асосий бўлими маҳаллаларда олиб бориладиган патронаждир. Президентимиз Қарорлари ижросини таъминлаш бўйича поликлиникада аввало аҳолининг амбулатор карталари инвентаризациядан ўтказилди. Инвентаризация давомида аҳолининг кечирган касалликлари, яшаш шароити, саломатлик даражасига катта эътибор қаратилди. Шунингдек, тиббий ходимлар томонидан патронаж билан ҳар бир оилани қамраб олиш тартиби йўлга қўйилди, ҳар бир оилага патронаж дафтарчаси очилди. Ижтимоий тиббий патронажга катта эътибор берилиб, аҳоли яшаш даражаси бўйича қатламларга ажратилди. Шу билан бирга репродуктив ёшдаги аёлларни мутахассисларни жалб этган ҳолда чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди ва кўрик натижаларига асосан саломатлик даражасига ажратилди, соғломлаштирилди, зарур ҳолларда ихтисослаштирилган илмий текшириш марказларига юборилди. Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида аҳоли ўртасида суҳбат ва маърузалар, тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Мақсадимиз она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом фарзандлар дунёга келишини таъминлашдир. Зеро соғлом фарзанд соғлом жамият демакдир.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: 47-оилавий поликлиника фаолиятидан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

**«Ўзэкспомарказ»да 7-10 сентябрь кунлари қишлоқ аҳолиси учун якка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўргазмаси бўлиб ўтади.**

## КЎРГАЗМАГА МАРҲАМАТ!




Ушбу тадбир «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида пухта экспертизадан ўтказилган қишлоқ уй-жойлари ва ижтимоий аҳамиятга эга объектларнинг бош режа ва намунавий лойиҳалари асосида қишлоқлар қиёфасини ҳамда қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини тубдан яхшилаш мақсадида ўтказилмоқда.

Ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатининг бош устуворлигини инсон манфаатлари ташкил этувчи мамлакатимизда уй-жой қурилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2009 йил 29 январда қабул қилинган "Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, шу йил 19 июндаги "Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 3 августдаги "Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари муҳим омил бўлмоқда.

Ихтисослаштирилган кўргазма Ўзбекистоннинг қурилиш саноатида йирик воқеа бўлиб, унда қурилиш материаллари ва жиҳозларини ишлаб чиқарувчилар, улгуржи-чакана савдо компаниялари, меъморлар, лойиҳачилар, мамлакатимизнинг қишлоқ туманлари вакиллари иштирок этади. Унда архитектура ва дизайннинг энг илғор талабларига жавоб берадиган қишлоқ уйлари, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари лойиҳалари намойиш этилади. Улар "Қишлоққурилишлойиҳа" лойиҳа-қидирув институти мутахассислари томонидан замонавий қурилиш материаллари ва технологияларини қўллашни, шунингдек, ҳудуднинг табиий-иқлим шароитини ва рельефини, мамлакат ҳудудлари ривожланишининг ижтимоий-демографик жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Кўргазма иштирокчилари қишлоқларни ободонлаштиришга доир лойиҳаларни кредитлаш, молиялаш ва амалга оширишнинг оптимал механизмини жорий этиш билан шуғулланувчи "Қишлоқ қурилиш банк" АТБ фаолияти билан танишадилар.

Кўргазмага марҳамат!

**(ЎзА)**

## ТОШКЕНТ ТАРИХИГА ОИД ЯНГИ КИТОБ

**Тошкент — Марказий Осиё шаҳарлари ичра дурдона. Унинг тарихи, ўтмиши 2200 йилга бориб тақалган пойтахт жаҳон ҳамжамиятининг эътибор марказида бўлиб турибди, десак муболаға бўлмайди.**

Шаҳарнинг 2200 йиллик юбилей тўйига бағишлаб, юртимизда барча ташкилот, корхона ўзига хос тайёргарлик кўрди. Бу борада Фонд форум ҳам турли кўргазма, тақдимот, илмий ишлар, каталог ва мусиқий тўпламларни нашр этиш сингари қатор лойиҳаларни амалга оширди. Хусусан, "Тошкент – бир шаҳар тарихи" тўплами ҳам шулар жумласидандир. Уч тилда – инглиз, француз, рус тилларида чоп этилган мазкур китобда Тошкентга оид турли суратлар тўпланган. Бундан ташқари, китобда азалдан анъанавийлик ва замонавийликни жам этган шаҳар, унинг тарихи, меъморчилиги, шу заминда истиқомат қилган ва қилаётган одам ҳақида ҳикоя қилинади.

Фотокаталогга туширилган бинокорлик ёдгорликлари ҳам яратувчиларнинг юксак қобилиятининг яққол намунасидир. Хусусан, шаҳарнинг ўзига хос рамзига айланган Ҳазрати Имом меъморий мажмуаси Тошкентнинг эски шаҳари, Зарқайнар кўчасида жойлашган, деб таъкидланади китобда. Ушбу мажмуанинг архитектура унсурлари шаҳар тарихининг турли даврларида барпо этилган. Қаффол Шоший мақбараси, Бароқхон ҳамда Мўй Муборак мадрасаси XVI асрда, асосий байрам тадбирлари амалга ошириладиган Намозгоҳ масжиди XIX асрнинг иккинчи ярмида, Тилла Шайх масжиди XX асрнинг бошида бунёд этилган.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,**
**"Туркистон-пресс"**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **«НАВРЎЗ»** мажмуасида Shine Art ижодий бирлашмаси ташаббуси билан ташкил этилган «Тошкент шаҳрининг маданий мероси» мавзуидаги Юнус Ражабий, Мухтор Ашрафий, Тамарахоним уй-музейлари кўчма кўргазмаси азим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишланди. Ушбу кўргазма 22 сентябргача давом этади.

✓ **«ЎЗСТАНДАРТ»** агентлигида мутахассислар иштирокида маҳсулотлар сифатини сертификатлашнинг қонуний асосларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Ҳамза туманидаги 204-мактабда туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида азим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбир «Тошкент — Шарқнинг машъали» деб номланди.

## ШАҲРИМ — ФАХРИМ

## Мушоҳада

# МЕГАПОЛИС

## ЁХУД ВАТАНИМИЗНИНГ ОЛТИН ОСТОНАСИ



***Тошкент бугунги кунда нафақат мамлакатимиз, балки бутун минтақамизнинг юксак тараққий этган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-молиявий ва маънавий-маърифий марказидир. У — қудратли саноат ва транспорт-коммуникация тармоқлари, замонавий ижтимоий инфратузилмаларни ўзида мужассам этган йирик мегаполисдир.***

***Ислом КАРИМОВ***



### Дунёнинг назари

Августнинг охирги ва сентябрнинг дастлабки кунлари бутун дунёнинг назари бизга — Ўзбекистонга, Тошкентга қаратилди, десак, муболаға бўлмас.

26 — 29 август кунлари қадим ва навқирон Самарқанд шаҳрида 47 давлат вакиллари иштирокида анъанавий "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали ўтказилди.

31 август тонгида Тошкентимизнинг "Шаҳидлар хотираси" хиёбонида халқимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган марҳумларни ёд этиш маросими бўлиб ўтди. Унда иштирок этган муҳтарам Президентимиз Мусулмонлар идораси раҳбарияти, уламолар, маҳалла фаоллари ва зиёлилар билан суҳбатлашиб, қимматли фикрларни баён этди.

Шу куни Президентимиз Ислом Каримов Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар ва жамоатчилик номидан ҳам ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйилди.

Ўша куни кечқурун Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги катта тантана қилинди. Юртбошимиз табрик нутқи сўзлади.

1 сентябрь куни тушдан кейин янгидан бунёд этилган бетакрор ва муҳташам "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган тантанали мажлис ўтказилди. Президентимиз Ислом Каримов катта нутқ сўзлади.

Диққат қилинса, бу воқеаларни бир-биридан ажратиб бўлмайди, улар моҳиятан ўзаро чамбарчас боғлиқ.

Истиқлолимиз ташаббускори, давлатимиз асосчисининг бу чиқишлари, хусусан, унинг Тошкент шаҳри юбилейида билдирган таҳлилий фикрлари ҳар бир ватандошимиз қалбида фахр, ғурур ҳиссини уйғотиб, юрт, унинг тарихи, бугуни ва келажаги ҳақида бир қайта мушоҳада қилишга ундайди...

### Ривоят

Ўзбекистонимизнинг қайси гўшасига борманг, маҳаллий аҳоли ўзи яшаб турган ерни дунёнинг энг гўзал, энг яхши жойи деб таърифлайди. Аср-асрлардан бери айтилиб, сайқалланиб келаётган турли-турли ривоятлар шундан далолат беради.

Бу — бизда азбаройи юртга меҳрнинг кучли эканидан.

...Бир даврада дунёда нечта шаҳар борлиги ҳақида қизғин баҳс қўзғалиб қолиб, биров *у* дебди, — биров — *бу*. Тортатортм ҳаддан ошиб, ҳеч бу масала охирига етмабди. Охири, ҳамманинг фикри бир жойдан чиқиб, бир донишманднинг айтганини ҳукм билишга келишиб олишибди.

— *Кент* дегани шаҳарми? — дебди аллома.

— Ҳа, — дейишибди улар.

Отахон кўзини юмиб, бошини эгиб олганича узоқ муддат ўйлабди. Сўнг бошини кўтариб, ўнг қўлининг панжасини кенг очганича санай бошлабди:

— Биринчиси — *Тошкент*, — дебди-да, бош бармоғини эгибди.

– Иккинчиси – *Паркент*, – дебди-да, кўрсаткич бармоғини эгибди.

– Учинчиси – *Пискент*, – дебди-да, ўртанча бармоғини эгибди.

– Тўртинчиси, – *Ғазалкент*, – дебди-да, хазинабон бармоғини букибди.

Ҳамма хурсанд эмиш. Чунки дунёнинг бу тўрт шаҳри ҳам Тошкент воҳаси ҳудудида бўлиб чиқяпти-ку, ахир.

– Бешинчиси-чи, бешинчиси? – сўрашибди одамлар ҳаяжон билан.

– Кел-е, – дебди аллома бир оз тин олиб, – Паркент тарафларда яна бир шаҳар бор – *Заркент*!

Бу кутилмаган жавобдан ҳам хурсанд бўлган, ҳам ҳайрон қолган кишилар:

– Ахир, Пекин, Токио, Рим, Париж, Нью-Йорк, Москва каби шаҳарлар-чи? – деб сўрашибди.

– Э, ҳали уларинг аввал қишлоқ бўлиб олсин, – деган экан чол ўшанда бамайлихотирлик билан...

Худди шундай ривоятни бошқа ерларда ҳамюртларимиз *Андижон, Қўқон, Ғиждувон, Косон, Риштон* шаҳарлари номи билан ёки *Каттақўрғон, Тўрақўрғон, Янгиқўрғон, Оққўрғон, Жарқўрғон* асосида айтганини ҳам эшитганимиз бор.

### Ҳақиқат

Ахир, йилнинг ўн ойи қиш-у, фақатгина икки ойи ёз бўлган ўлкалар ҳам бор. Шундай жазирама юртлар учрайдики, бир гиёҳ кўкармайди, у ерлардагилар умрида қор ёки ёмғирни кўрмайди. Бизда эса ҳар йили тўрт фасл бафуржа меҳмон бўлади.

Табиатига кўра, Ўзбекистонимиз шаҳарлари ичра, Тошкент билан беллашадигани йўқ.

Биринчидан, у денгиз сатҳидан 440 – 480 метр баландликда жойлашган. Шунинг учун сизот сувлари пастга эниб оқади. Шўрхок ер бўлмайди бу ерда.

Иккинчидан, сув жиҳатидан Тошкент Чирчиқ дарёси водийсидан ўрин олган. Чирчиқдан оқиб чиқадиган Бўзсув, Салор, Анҳор, Қорасув, Оққўрғон, Бўрижар, Оқтепа, Қорақамиш деб аталадиган жами 8 канал бевосита шаҳарни панжалаб ўтади. Эски замонларда ҳам шаҳарнинг деярли ҳар бир кўчасидаги ариқларда зилол сув оққан.

*Канал* дейилдими, билингки, уларни қачонлардир одамлар қўл кучи билан қазиган. Шу тариқа аждодларимиз ўзларининг яшашлари учун қулай шароит яратиб олган, бўз ерларни ободонлаштирган, бунёдкорликнинг юксак намуналарини кўрсатган.

Учинчидан, бошқа жойларга нисбатан бу ерда ёғингарчилик маромида бўлади. Шунинг учун чўп суқсанг, кўкаради. Шаҳарнинг махсус суғорилмайдиган кўчаларидаги чинорлар ҳам шундай кўкка бўй чўзганки, рости, мамлакатимизнинг бошқа бирор ерида бу дарахтнинг айнан шу тариқа тез ва ғоз ўсиб, ривож топганини кўриш – мушкул. *Чорак асрда чинорлар тўққиз қаватли уйлардан ошади бу шаҳарда*, десангиз, ҳатто, Европадек серсув қитъа мамлакатларида ҳам кам одам ишонади.

Тўртинчидан, ери – ўта ҳосилдор. Эски шаҳар тарафлар кўпроқ сариқ тупроқли, аммо атроф, айниқса, жанубий ҳудудлар – Чирчиқнинг собиқ ўзани бўлгани учун, қора тупроқ.

Шаҳар ичкарисидаги ҳовлилар, уйлар атрофидаги томорқачалар ва иссиқхоналарда йил бўйи қанча деҳқончилик маҳсулотлари етиштирилаётганини ҳеч ким ҳисоблаб чиқмаган бўлса керак. Тошкент азалдан деҳқон шаҳар бўлган. Ўтган асрларда аксарият оилалар ёзда шаҳар атрофидаги дала боғларида яшаб, деҳқончилик қилган, қишда ҳовлига қайтиб, ҳунармандчилик, савдо ва бошқа фаолият билан шуғулланган.

У шуниси билан ҳам Шарқнинг бошқа шаҳарларидан ажралиб туради. Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганидек, *Тошкентнинг тариғини еган чумчуқ, Маккатуллодан бўлса ҳам, қайтиб келади,* деган нақл бекорга пайдо бўлмаган.

Стратегик жиҳатдан ҳам Тошкент жуда қулай ерда жойлашган. У, худди тарозининг посангиси каби, Ўзбекистонимизнинг бошқа минтақаларини Фарғона водийсидаги вилоятларимиз билан боғлаб туриш функцияларини ҳам бажаради. Шунинг учун ҳам Юртбошимизнинг юбилей тантанасидаги нутқида: "*Агарки, орадан асрлар, минг йиллар ўтганидан кейин, бугунги кунда замонавий билим ва тажриба, цивилизация ютуқларига суяниб, Тошкентдек азим шаҳар учун бошқатдан жой танлаш зарурати туғиладиган бўлса, ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин, яна айнан шу жойни танлашга тўғри келган бўлур эди*", – деди.

### Пойтахт

Тарихда бу шаҳар 5 марта давлат пойтахти ёхуд шунга тенг келадиган маъмурий марказ вазифасини ўтаган.

XVIII асрда Тошкент атрофи узунлиги 14 километрли баланд девор билан ўралган, 12 дарвозаси бор ёпиқ шаҳар эди. Буни Абдулла Қодирий "Ўткан кунлар" романида батафсил тасвирлаган. Ичкари 4 даҳага бўлинган эди. (*Даҳ* – тожикчада *ўн* дегани. *Даҳа* деганда ўн минг аҳоли яшайдиган ҳудуд кўзда тутилган бўлиши керак. Чунки, ҳисоб-китобларга кўра, XVIII асрда шаҳар аҳолиси 40 минг киши атрофида бўлган). Шайхонтоҳур, Себзор ("Қаффоли Шоший" ҳам дейилган), Кўкча ("Шайх Зайниддин бобо" ҳам дейилган), Бешёғоч ("Зангиота" ҳам дейилган) даҳалари маъмурий жиҳатдан алоҳида-алоҳида бошқарилган.

1784 йили Юнусхўжа ана шу 4 даҳани бирлаштириб, мустақил Тошкент давлатини тузди ва ўзи учун волийи вилоят лавозимини жорий этиб, уни бошқарди. 20 йил ҳукм сурган бу давлат атроф ҳудудларни ўзига бирлаштиришга ҳам улгурган эди.

1864 – 1865 йиллардаги бир неча уринишлардан сўнг охири 1865 йил 17 июнда чор қўшни шаҳарга бостириб кирди. 1867 йилда Тошкент марказ қилиб белгиланди.

Бу – шаҳарнинг иккинчи бор маъмурий марказга айланиши эди.

1918 йил 30 апрелда Туркистон Автоном Республикасининг пойтахти сифатида ҳам Тошкент бўлди.

1924 йилда Самарқанд пойтахт қилиб белгиланди. 1930 йилда республика пойтахти Тошкентга кўчирилди.

1991 йил 31 август куни айнан Тошкентда Ўзбекистон Республикаси деган мустақил давлатнинг ташкил этилгани тантанали равишда эълон қилинди. Шу тариқа бу азим шаҳар ўз тарихида бешинчи бор пойтахт қилиб белгиланди.

### Шарқ дарвозаси

Истиқлол йиллари пойтахтимиз тарихининг алоҳида, ўзига хос, нурли саҳифалари ҳисобланади.

Албатта, бугун бу ерда аждодларимизнинг 22 асрлик меҳнати маҳсулини кўриб турибмиз. Ахир, шаҳар дегани бир кунда ёки бирдан бунёд этилмайди-ку. Аммо қадим шаҳарларни кўпроқ тарихий обидаларига қараб баҳолаш тамойили ҳам бор.

Хўжа Аламбардор мақбараси (тахминан X аср), Шайх Зайниддин бобо мақбараси, Бароқхон мадрасаси (XIII – XIV асрлар), Шайх Хованди Тоҳур мақбараси, Қалдирғочбий, Кўкалдош мадрасалари (XVI аср), Абулқосим шайх мадрасаси (XIX аср) ва бошқа кўплаб тарихий-меъморий обидалар халқимизнинг кўп асрлик бунёдкорлик салоҳиятини кўз-кўз қилиб турибди.

XX асрда ҳам шаҳар тараққий этди, кенгайди, замонавийлашди, қатор янги иморатлар қад ростлади, жаҳоннинг метроси бор кам сонли шаҳарларидан бирига айланди. Шарқнинг маданий марказлари сафидан жой олди.

Бироқ пойтахтимиз шаънига айтиладиган *Шарқ дарвозаси* деган юксак таъриф фақат Истиқлол йилларидагина ўзини тўла оқлади. Бугунги Шарқни дунё аҳли Тошкентсиз тасаввур қила олмайди. Минтақамиз, машриқзамин мамлакатлар муаммолари, ҳатто, жаҳоннинг кўп-кўп глобал масалалари айнан Тошкент ташаббуси, таклифи, фаол иштироки билан ҳал этиладиган бўлиб қолди.

Шу тариқа Тошкент жаҳон ҳамжамиятининг муҳим сиёсий ҳалқасига айланди.

### Мегаполис

Юнонча megas – *катта,* polis – *шаҳар* дегани. Аввало, Ўзбекистонимиз, қолаверса, Марказий Осиёда Тошкентдан катта шаҳар йўқ. У бугун мамлакатимизнинг энг йирик саноат, транспорт ва маданият марказига – чинакам мегаполисга айланди.

Ҳозир аҳоли сони 3 миллионга яқинлашди. Ҳудуди – 334,8 квадрат километр. Шаҳар таркибига 11 туман ва 1 (Улуғбек) шаҳарча киради.

Мамлакатимиз ишлаб чиқаришининг 15 фоизга яқини бугун пойтахт зиммасида. Шаҳарда 120 дан ортиқ йирик саноат корхонаси ишлаб турибди. 100 дан зиёд давлатнинг сармояси иштирокида 3260 тага яқин корхона фаолият юритади.

Ҳозир шаҳарда 331 мактаб, 38 академик лицей, 30 мусиқа ва 25 спорт мактаби, 80 касб-ҳунар коллежи, 30 олий таълим муассасаси, 6 та хорижий олий таълим муассасаси филиали, 109 касалхона, 634 поликлиника мавжуд. Бу ерда 100 дан зиёд газета ва журналлар чоп этилади. Бир неча нашриёт, ахборот агентлиги фаолият олиб боряпти. Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг "Ўзбекистон", "Ёшлар", "Спорт", "Тошкент" телерадиоканаллари, нодавлат телерадиоканаллар эфирга чиқяпти. Уларнинг дастурларини кўплаб мамлакатлар аҳолиси томоша қилиш имконига эга.

Пойтахтимизда Ер юзининг барча асосий давлатлари элчихона ва ваколатхоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари бор.

Аэропорт ва темир йўл вокзали кечаю кундуз Ўзбекистонни – жаҳон, жаҳонни – Ўзбекистон билан боғлаб турибди.

Бунга ўхшаш факт ва рақамларни яна анча келтириб, Тошкентнинг ростакам мегаполис эканини ортиқ исботлаб ўтириш шарт бўлмаса керак.

### Қиёфа

Мустақиллик йилларида шаҳримизнинг моддий-маънавий қиёфаси тубдан ўзгарди. Сезмай ҳам қоласан, киши, ҳадеганда бир ажойиб иморат пайдо бўлиб, шаҳримиз чиройига чирой, савлатига савлат қўшиб боряпти. Яратилган майдонлар, ўрнатилаётган ҳайкал ва монументлар, улар атрофида бунёд этилаётган ободончилик ва яшиллик баҳри дилингизни очади. Ишдан ҳориб-чарчаб чиққан кишилар, мамлакатимиз турли ҳудудларидан бу ерга зиёратга келганлар шу юрт бизники, шу шаҳар унинг пойтахти эканидан дил-дилдан мамнун бўлади, фахрланади, ич-ичидан қувониб, ғурури жўш уриб, узоқ яшагиси, яратгиси келиб кетади. Энг муҳими, қалбида Ватанга меҳр туйғулари жўш уради.

Кичик ҳалқа йўлининг ўтказилиши, метронинг Юнусобод йўналиши фойдаланишга топширилиши, янгидан қад кўтариб, асрларни асрларга улашга чоғланган қанчадан-қанча иморатлар амалда истиқлол шарофатидан, давлат ва халқнинг ажралмас бирлигидан далолат бериб турибди.

Шу тариқа шаҳримиз миллий ва замонавий талабларга мос равишда тамоман янги қиёфа касб этиб бораётир. Бу жиҳатдан ер юзида Тошкентга ўхшаган бошқа шаҳар йўқ.

Бир нарсани ҳис этишимиз керак. Европанинг кўп шаҳарлари иморатларида, кўпроқ тоғ тошларидан фойдаланилгани учунми, қандайдир қорамтир ранг ҳукмронлик қилади. Бу бизга ўхшаб серқуёш юртдан борганларнинг бироз дилини қисади. Тошкентдаги иморатларда эса ёрқин ранглар – устувор. Ҳаммасида оқликка – оппоқликка мойиллик бор. Қуёшнинг порлоқ нурлари билан улар янада чирой очиб, кўнгилларни яйратиб юборади. Ғарб оламидан келган сайёҳларнинг бизда бағоят хандон юришига сабаб ҳам – шу.

### Сафарбарлик

Истиқлолнинг бир шарофати шундан иборат бўлдики, энди фуқаро ўз мулкига эга, ўз маблағи ҳисобидан бунёдкорлик ишларини авж олдирмоқда. Шу жиҳатдан олиб қарасак, ўтган 18 йилда пойтахтимизда хусусий тадбиркорлар қанчадан-қанча гўзал иморатлар тиклаб, халқ хизматига сафарбар этди. Хусусан, шаҳримизнинг 2200 йиллиги шарафига ҳам неча-неча иншоотлар битказилиб, фойдаланишга топширилди.

Мустақиллигимизнинг беш йиллиги арафасида биргина Сергели туманида ташкил топган "Гузар Сервис" масъулияти чекланган жамият ўзига қарашли 400 ўринли "Бахт диёр" ресторани орқали шу пайтгача аҳолига 400 миллион сўмлик тўй-маросим хизмати кўрсатди. Атрофдаги ташландиқ жойлар аҳоли учун кичик истироҳат боғига айлантирилди. 30 мингдан ортиқ кўпйиллик, 5 мингдан ошиқ бирйиллик гул, 200 тупдан зиёд игнабаргли дарахт экилди.

Байрам арафасида жамият миллий ва замонавий услубда Ўзбек миллий чойхонасини қуриб, фойдаланишга топширди. Унда бир пайтнинг ўзида 800 кишига хизмат кўрсатиш имкони мавжуд. Ҳатто, бу ерда мижозлар автомобиллари учун ҳам қулай шароит яратилган.

Яқинда "Бахт диёр" кошонасида бир неча ҳомий ташкилот ҳамкорлигида хайрия йўли билан кам таъминланган оилалар аъзоларидан олти жуфт келин-куёвнинг никоҳ тўйи ва 45 нафар боланинг суннат тўйи ўтказиб берилди.

– Келгусида болалар спорт майдончаси қуришни ҳам режалаштирганмиз, – дейди жамият раҳбари Музаффаржон Турғунов. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

### Иймон шаҳри

Истиқлолнинг ҳар йили Тошкент учун ўзига хос тарих бўлди. Мисол тариқасида биргина 2007 йилни олиб кўрайлик.

Рости, шу йили пойтахтимиз шаънига айтиладиган ифодалар сирасига *иймон шаҳри* деган янги таъриф ҳам қўшилди.

Ўша йили 20 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳазрати Имом (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Бу ҳужжатда, жумладан, Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармасининг ўзидангина 500 миллион сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган эди. Ҳомийлар ҳам қараб турмади. Халқ ҳам ҳашарга чиқди. Жуда қисқа бир фурсатда бу ерда ажойиб меъморий мажмуа бунёд этилди. Унинг таркибида қадимий обидалар ҳам, тамоман янгидан қад ростлаган иморатлар ҳам бор.

Ислом конференцияси ташкилотчи ҳузуридаги Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти – АЙСЕСКО (ISESKO) Тошкентни 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилди.

Президент Ислом Каримов "Туркистон-пресс" нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида ислом оламидаги шундай нуфузли ташкилотнинг бу қарорга келишига асос бўлган муҳим сабаблар ҳақида сўз юритди.

Президент Ислом Каримов ўша йили 25 апрель куни Ҳазрати Имом мажмуасига ташриф буюриб, бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан атрофлича танишди.

Очиғини айтганда, муқаддас динимиз, унинг бой фалсафаси, инсонпарварлик ғоялари, маънавияти ва ахлоқини ёйиш, тарғиб этишда йирик илмий-маърифий марказ сифатида хизмат қилиб келаётган Ҳазрати Имом мажмуасини шу пайтгача, асосан, пасқам иморатлар қуршаб турар, унга борадиган тор кўчалар ҳам замон талабларига мутлақо жавоб бермас эди. 20 февралда қабул қилинган Қарор билан бу маскан 9,5 гектарли бир обод мажмуага айлантирилди.

У ердан ўтадиган қадимий Кайковус ариғи тубдан таъмирланди. Мажмуа таркибидаги Қаффоли Шоший мақбараси, Бароқхон ва Мўйи муборак мадрасалари, Тиллашайх ва Намозгоҳ масжидлари обдан реставрация қилинди. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан бу ерда қўшгумбазли, қадимги миллий усулларда шаклланган икки минорали янги муаззам масжид қад ростлади. У мамлакатимиздаги энг катта масжидлардан бири ҳисобланади.

"*Маънавий қадриятларсиз, асрлар давомида шаклланган иймон-эътиқодидан маҳрум бўлган халқ ўсмайди, тараққий этмайди. Юртдошларимиз ўзларини Ватанимизда, жумладан, мана шу масканда амалга оширилаётган хайрли ишларнинг оддий кузатувчилари эмас, балки ташаббускори ва иштирокчилари сифатида ҳис этишлари муҳим*", — деди Юртбошимиз ("Халқ сўзи", 26.04.07).

Орадан қирқ кун ўтиб, 5 июнь куни Ислом Каримов пойтахтимиздаги Ҳазрати Имом мажмуасида ниҳоясига етказилган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида бу ерга яна ташриф буюрди. Бор-йўғи тўрт ой деганда шундай улкан мажмуа қад ростлади. Юртбошимиз уни бунёд этишда жонбозлик кўрсатган қурувчи ва муҳандислар, қўли гул усталар, шу савобли ишга ҳисса қўшган барча инсонлар меҳнатига юксак баҳо бериб, уларга халқимиз номидан миннатдорчилик билдирди. Жумладан: "*Бизнинг кўнглимиз ҳам, юзимиз ҳам ёруғ, иншооллоҳ, келажагимиз ҳам ёруғ бўлади*", – деди ("Халқ сўзи", 06.06.07).

Ўша йили 14 (Тошкент) ва 15 (Самарқанд) август кунлари "Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси" мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда 30 дан ортиқ мамлакатдан 100 дан зиёд атоқли уламо, диншунос олим ва мутахассис, машҳур давлат, дин ва жамоат арбоблари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди. Улар орасида Ислом конференцияси ташкилоти (ИКТ), Араб давлатлари лигаси, ISESKO, UNESKO, ИКТ қошидаги Ислом маданияти ва санъати тадқиқотлари маркази (IRCICA) каби йирик халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари бор эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов халқаро илмий-амалий конференция иштирокчиларига табрик юборди, конференция иштирокчиларидан бир гуруҳини қабул қилди.

Президентнинг ана шу табригида, жумладан, қуйидаги сўзларни ўқиймиз: "*Шу йўлда қилган ва амалга ошираётган ишларимиз, аввало, ўзлигимизни, тарихий илдизларимизни англаш, дину диёнатимизни асраб-авайлашга қаратилган бўлиб, биз шу асосда ислом динининг ҳаққонийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглиги, одамзотни доимо яхшилик ва эзгуликка чорлаши билан боғлиқ тушунчаларни, бир сўз билан айтганда, унинг маърифий моҳиятини нафақат юртимиз, балки бутун дунё жамоатчилигига етказишни ўз бурчимиз деб ҳисоблаймиз. Шу борада Имом Бухорий ва Имом Термизий, Шоҳи Зинда, Регистон ва Бибихоним, Имом Мотуридий ва Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Фарғоний ва Бурҳониддин Марғиноний, Хожа Аҳрор Валий, Ҳазрати Имом ва бошқа буюк сиймоларнинг номлари билан машҳур бўлган кўплаб тарихий мажмуаларни ҳар томонлама обод этиш бўйича қилган ишларимиздан, аввало, ўзимиз руҳий мадад, маънавий куч-қувват олмоқдамиз*" ("Миллий тикланиш", 15.08.07).

### Истиқлол шаҳри

Шу йилнинг 20 августида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Тошкент шаҳри "*юртимизда миллий давлатчиликни шакллантириш, мустақил ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, давлатлараро ҳамкорлик, халқлар ўртасидаги дўстлик муносабатларини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси, эзгу анъаналарни сақлаш, маданий, маънавий-маърифий ҳаётимизни юксалтириш, ёш авлодимизни Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги улкан хизматлари учун ҳамда 2200 йиллик юбилейи муносабати билан*" "Мустақиллик" ордени билан мукофотланди.

Бу юксак тақдирлаш билан шаҳримизнинг ҳар бир фуқароси – ич-ичдан қувонишга ҳақли. Чунки бу – барчага берилган мукофот. Чунки шаҳар равнақида ҳамманинг ҳам, оздир-кўпдир, ҳиссаси бор.

### Тантаналар шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги "Тарихи бой, бугуни гўзал, келажаги буюк шаҳар" деб номланган нутқида пойтахтимиз шаънига кўп-кўп таърифлар келтирилди. Уларни кетма-кет санаш ҳам шу юртда яшаётган ҳар бир кишига ғурур ва ифтихор бахш этади. *Тошкент – тарихи бой, бугуни гўзал, келажаги буюк шаҳар, Тошкент – Ватанимизнинг олтин остонаси, Тошкент – Ватанимизнинг гавҳари, Тошкент – Шарқ дарвозаси, Тошкент – йирик мегаполис, Тошкент – минтақамиздаги энг қадимий одамзот манзилгоҳларидан бири, Тошкент – нон шаҳри, Тошкент – тошдек мустаҳкам шаҳар, Тошкент – ислом маданияти пойтахти, Тошкент – ягона Ватаннинг ифодаси, Тошкент – юртимизнинг фахру ифтихори, Тошкент – буюк шаҳар!..*

Бўлиб ўтган байрамларнинг ўзидангина келиб чиқилганда ҳам, бу таърифлар ёнига *Тошкент – тантаналар шаҳри* дейиш мумкин.

Баъзан Тошкентда бир йилда бунёд этилган иморатларни санаб улгурмай ҳам қоляпмиз. 2200 йиллик тўйга тўёна сифатида қисқа фурсатда шаҳарнинг Амир Темур хиёбони мажмуасининг таркибий қисмига айланган салобатли "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи қуриб битказилди. Юбилей тантаналарининг расмий қисми шу муҳташам кошонада ўтди.

Истиқлол йилларида Тошкент чинакам тантаналар шаҳрига айланди. Қанчадан-қанча халқаро анжуманлар ташкил этилди. Ҳар йили Наврўз ва Мустақиллик байрамининг энг катта тантанаси пойтахтда ўтказилади. Ҳар гал бу издиҳомларда давлатимиз раҳбари табрик билан иштирок этиб келяпти.

Бу йилги Мустақиллик байрамига азим шаҳримизнинг муборак тўйи ҳам уланиб кетди. Шу тантаналарда қатнашган ёки уни телевидение орқали кўрган ҳар бир ўзбекистонлик қалбида фахр, ғурур, шукроналик ҳисси кучайишига аминмиз.

Ана шу тантаналарда, шубҳасиз, халқ сифатида биз нималарга қодир эканимизни яна бир карра дунёга кўрсатдик.

### Таъзим сенга, бобо юрт!

Пойтахтимизнинг 2200 йиллиги тантанасида сўзга чиққан ЮНЕСКО Бош директорининг ўринбосари Ҳанс д' Орвиль бу йил дунёда жами 67 шаҳарнинг юбилейи ўтказилаётганини айтди. Бироқ булар ичида энг ёши улуғи – Тошкент экан...

Биз қадим ул-айёмдан буюк шаҳарлар бунёд этган халқнинг ворисларимиз. ЮНЕСКО билан ҳамкорликда халқаро миқёсда Марғилоннинг 2000 (2007), Бухоро (1997), Хива (1997) ва Термизнинг (2001) 2500, Шаҳрисабз (2002) ва Қаршининг (2006) 2700, Самарқанднинг 2750 (2007) йиллиги нишонланганида ҳам ҳар биримиз қандай тарихи бой Ватанга эга эканимизни юрак-юракдан ҳис этганмиз.

Шундай дилгир лаҳзаларда шу бобо юртга бот-бот таъзим қилгинг келади...

### Боқий ном

Бир гапни очиқ айтиш керак: мамлакатимиздаги ҳар бир меъморий обида ташаббускори, бунёдкори, ҳомийси номи билан тарихга кирган.

Шу маънода "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи бевосита муҳтарам Юртбошимиз Ислом Каримов ғояси, ташаббуси, лойиҳаси, режаси ва жонкуярлиги ҳамда мутахассис ва қурувчиларнинг фидокорона меҳнати маҳсули сифатида кўкка бўй чўзди.

То шу кўркам ва муҳташам иморат тик турар ва элга хизматда бўлар экан, буни ҳеч ким ҳеч қачон унутмайди.

Мамлакатимизда, жумладан, пойтахтимизда бевосита Президентимизнинг муборак номи билан вобаста бундай иморатлар эса қанчадан-қанча!

Ҳаётини эл-юрт хизмати, Ватан равнақига бағишлаган, шу тариқа халқнинг дуосини олган одамларнинг умри боқий бўлгай. Буни кўҳна тарих бот-бот исботлаб турибди.

**Султонмурод ОЛИМ,**
**Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари ўринбосари.**




№5(200) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

**Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси давлат экологик экспертиза бўлими томонидан экологик экспертиза хулосаларининг сифатини оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда. 2009 йилнинг II чораги иш якунлари бўйича жами 537та объектлар экологик экспертизадан ўтказилган бўлиб, улардан 534 та объектга ижобий хулосалар берилган. 2 та объект бўйича лойиҳавий ҳужжатлар қайта ишлаш учун юборилди, 1 та объект лойиҳасига салбий хулоса берилди. 2009 йилнинг II чорагидаги иш режаси бажарилишига эришилди.**

# ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Қўмита мутахассислари томонидан Республика Вазирлар Маҳкамасининг 491 –сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида давлат экологик экспертизаси тўғрисида»ги Низоми ва бошқа меъёрий қўлланмалар асосида олиб бораётган ишлар натижасида, шаҳарда ер танлаш жараёнида кейинги вақтда объектларни экспертизадан ўтказиш масалаларига катта аҳамият берила бошланди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан бу масалалар кўрилиб, аввало ер танлаш комиссиясида, сўнгра ҳокимликда фақат экологик экспертиза хулосалари бўлган объектларга қарорлар чиқарилмоқда. Ҳисобот даврида 121 та объектлар бўйича ҳар қандай қурилиш учун жой танлаш жараёнидаги МУТБ лойиҳалари кўриб чиқилган, уларнинг 119 таси бўйича шаҳар ҳокимлигининг қарори қўмитага келиб тушган.

Яқинда Тошкент шаҳар ҳокимлигида ўтказилган давра суҳбатида Тошшаҳардавэкоэкспертизаси вакили иштирок этиб, йиғилиш иштирокчиларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 июндаги 152-сонли қарорида кўрсатиб ўтилган давлат экологик экспертизасини ўтказиш бўйича киритилган ўзгартиришлар билан таништириб, ундаги тадбиркорлик субъектларига яратилган енгилликлар, экологик экспертиза хизмати ҳақининг сезиларли пасайтирилганлигини ҳамда мазкур қарорни амалга ошириш чора-тадбирларини тушунтириб берди.

Қўмитанинг давлат инспекцияси ходимлари шаҳардаги корхона ва ташкилотларнинг экологик экспертиза масалаларига ёндашув ишларини жадаллаштирган ҳолда назорат қилмоқдалар.

Жорий йилнинг II -чорагида жами 99 та корхонанинг экологик меъёрлаш ҳужжатлари кўриб чиқилиб, экспертиза хулосалари берилди, шундан сўнг 40 тасини ПДВ ва 57 тасини чиқиндилар ташкил қилади. Бундан ташқари экологик оқибатлар тўғрисидаги ариза лойиҳалари бўйича 19 та объектга экспертиза хулосалари берилди. Экологик меъёрлаш ҳужжатларининг амал қилиш муддати тугаган ва янги ташкил этилган корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ва экологик экспертизага жалб қилиш мақсадида қўмита билан биргаликда режа ишлаб чиқилди ва у доимий назоратга олинди. Объектлар бўйича экологик экспертиза хулосаларида кўрсатилган талаб ва кўрсатмаларнинг бажарилишини доимий назорат қилиш мақсадида қўмитада ҳар бир объект бўйича назорат варақалари тузилиб, улар туман нозирлигига берилмоқда. Экологик экспертиза хулосаларини тайёрлашда штатсиз экспертларни жалб қилишга ҳам эътибор қаратилган. Ҳисобот даврида 6 та лойиҳа бўйича штатсиз экспертларнинг хулосалари олинди.

Қўмита экологик экспертиза бўлими мутахассис экспертлари шаҳар Архитектура ва қурилиш бош бошқармасининг ер танлаш ҳамда шаҳарсозлик кенгашида доимий иштирок этиб, унда кўриб чиқилаётган масалаларга ўз муносабатларини билдирмоқдалар. Ҳисобот даврида улар 24 та ер танлаш ва шаҳарсозлик кенгаши мажлисларида қатнашдилар. Экологик экспертиза хулосалари бериш тўғрисида буюртмачилардан тушган аризаларга вақтида жавоб қайтариш ишлари назорат қилинмоқда. Қўмита нозирларига ишда фойдаланиш учун охирги беш йил мобайнида экологик экспертизадан ўтказилган объектлар бўйича керакли маълумотлар берилиши йўлга қўйилди.

**Ш.ҲИДОЯТОВ,**
**шаҳар давлат экологик экспертизаси бўлими бошлиғининг ўринбосари**

# ТАБИАТ ВА СУВНИНГ МУСАФФОЛИГИ — САЛОМАТЛИГИМИЗ АСОСИ

**Сув — бебаҳо неъмат, ҳаётимиз асоси, томчиси тиллога тенг саломатлик манбаидир. Атроф табиий муҳитнинг мусаффолигини сақлаб, экологияни барқарор этувчи сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш барчамизнинг бурчимиздир.**

Бу борада аждодларимиз ибрати — муҳим ҳаётий омилдир. Болалигимиздан сувни ифлос қилмаслик, уни беҳуда сарфламаслик тўғрисида қулоғимизга қуйиб келишарди. Бундай оилавий тарбиянинг сувни қадрлашдаги ўрни катта эди, албатта. Ҳатто бундан 60,70 йиллар олдин ҳам сувга бўлган эътиборнинг катталигидан ҳатто ариқ, ҳовузлардан сув ичганлар ҳам хасталикка чалиниб қолмасди. Яъни ҳеч кимнинг сувни ифлослантиришга ҳадди сиғмасди ва зилол сувлар ариқларда шарқираб оқиб ётарди.

«Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ», дейди халқимиз. Бугунги кунга келиб нафақат катта шаҳарлар, ҳатто чекка қишлоқлар ҳам тоза ичимлик суви билан таъминланди. Жаҳон миқёсида ичимлик суви заҳиралари жуда танқислигини ҳисобга олганда, бу жуда катта гап. Лекин биз ичимлик сувининг қадрига етаяпмизми, ундан оқилона фойдаланяпмизми, деган саволнинг туғилиши табиий.

Бир мушоҳада қилиб кўрайлик. Ҳаммамиз деярли кунда полиз маҳсулотларини совутиш учун ичимлик суви жўмрагини катта очиб, тоза ичимлик сувининг беҳуда нобуд қилинаётгани, ундан томорқаларни суғоришда фойдаланишаётгани ёхуд баъзи ҳайдовчилар машиналарини ювишаётганини кўрамизу лоқайдлик билан эътибор қилмаймиз. Ҳолбуки, сувга нисбатан бундай номақбул хатти-ҳаракатлар ноёб неъматнинг беҳуда сарфланишидан ташқари табиий иқлимнинг ўзгаришига ҳам салбий таъсир кўрсатиши сир эмас-ку.

Дарҳақиқат, оқар сувлар — бизнинг энг катта бойликларимиздан биридир. Оқар сувлар атрофлари салқин, баҳаво бўлади. Бу инсон саломатлигига ҳам ижобий таъсир этувчи муҳим омилдир. Бизнинг вазифамиз она-табиатни бутун гўзаллиги, яшил бойликларию бетакрор ҳайвонот олами билан келажак авлодларга қолдиришдир. Келинглар, азизлар, ушбу долзарб масалага юзаки ёндошмасдан чуқур ўйлаб кўрайлик. «Мен табиат учун нима бердимки, атроф-муҳитни мусаффолаштириб турган ям-яшил дарахтни кесишим, оқар сувларни ифлослантиришим керак?» қабилидаги саволларни ўзимизга берайлик, ёш авлод онгида ҳам ана шундай тушунча ҳосил қилайлик. Ана шундагина табиатнинг мусаффолигини сақлаб қолишга, бинобарин, яқинларимиз, қолаверса ҳамшаҳарларимиз ва юртдошларимизнинг саломатликлари яхшиланиши, табиий мувозанатнинг сақланиб қолишига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**



# ДАСТУРДА ЛОЙИҲАЛАРИНГИЗ БИЛАН ҚАТНАШИНГ

**Ҳар йили ҳар бир ташкилот ва корхона ўзининг табиатга етказиладиган зарарини камайтириш мақсадида табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқади.**

Бу тадбирларни амалга оширишда Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг маҳаллий жамғарма маблағларидан ҳам маблағ ажратилади. Бинобарин, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси 2010 йилги илмий-тадқиқот, меъёрий-услубий ишлар, ташкилий ва табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари дастурини шакллантириши тўғрисида маълум қилади.

Дастурни шакллантиришда қатнашишни хоҳлаган, қизиққан барча ташкилот, корхона, муассасалар ва шахсларни дастурда ўзларининг иш лойиҳалари билан иштирок этиш учун таклиф этади. Таклифлар 2009 йилнинг 1 октябригача қабул қилинади.

Барча лойиҳалар танлов асосида кўриб чиқилади. Қизиққанлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

1.Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси номига таклиф қилаётган ишнинг номи кўрсатилган ҳолда расмий хат (заявка) ёзилади.

2.Таклиф этилаётган иш лойиҳаси қуйидаги маълумотларни қамраб олиши керак:

- Лойиҳанинг тўлиқ номи
- Лойиҳанинг тури (фундаментал ва ҳ.к.)
- Лойиҳанинг қисқача мазмуни, унинг асосланиши, мақсади, унинг табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, Тошкент шаҳар аҳолисининг истиқомат қилишига қулай шарт-шароитлар бўйича экологик тузилмаси (3-4 варақ)
- Лойиҳанинг бажарилиши муддати (йил, ой, санаси)
- Лойиҳанинг бажарилиши календар режаси
- Лойиҳанинг бажарилиши учун техникавий топшириқ
- Лойиҳанинг кутилаётган экологик ва иқтисодий самарадорлиги (0,5 варақ)
- Лойиҳанинг бажарилиши тасдиқланган харажатлари (калькуляцияси).

3.Бажарувчи ташкилотнинг реквизитлари (манзили, телефон рақамлари ва электрон манзили).

4.Лойиҳа ижро гуруҳи раҳбарининг фамилияси ва исми-шарифи, унинг анкета маълумотлари (туғилган йили, эгаллаб турган лавозими, илмий унвони, турар манзили, иш ва уй телефон рақамлари, электрон манзили), ижрочи гуруҳнинг сони ва таркиби.

5.Лойиҳанинг амалга оширилиши жараёнида бошқа ташкилот қатнашиши кўзда тутилса, унинг номи, манзили ва лойиҳага дахлдорлиги тўғрисида қисқача маълумот.

6.Иш бўйича (агар бўлса) тегишли муассаса, ташкилотлар тақризлари.

Кўрсатилган ҳужжатлар бўлмаса, лойиҳа бўйича таклифлар комиссия томонидан кўрилмайди.

Тақдим этилган ҳужжатлар қайтарилмайди ва ўтказилган танловлар натижаси апелляцияга доир эмас.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси фақат Дастурга киритилган ишлар юзасидан хабар беради.

Қўшимча маълумот учун телефонлар: 271-21-57, 277-13-28

Таклифлар қуйидаги манзилга юборилсин: Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўчаси, 7. Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси.

**Ф.ПАЙЗИЕВА,**
**Маҳаллий жамғарма бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи**

**Сўнгги йилларда «экология» сўзи жуда оммавийлашиб кетди. Ҳозирги кунда кўпинча атроф-муҳитнинг номақбул ҳолати ҳақида гапирганда бу сўз тез-тез тилга олинади. Экология сўзи ўз мазмунига кўра, «Уй ҳақида ва ўзининг яшаш жойи ҳақидаги фан» деган маънони англатади.**

# АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Шундай экан, табиатни муҳофаза қилиш, экологик талабларга ҳар доим риоя этиш ва экологик ҳалокатларнинг олдини олиш давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий масаласи бўлибгина қолмай, балки экологик сиёсатнинг асосига айланиши лозим.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилишдан мақсад:

— инсон саломатлиги йўлида экологик мувозанатни сақлаш учун Республикани самарали ва барқарор ижтимоий, иқтисодий ривожлантириш манфаатлари йўлида табиатдан оқилона ва уни ишдан чиқармайдиган қилиб фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

— жонли табиатнинг турлари ва генетик фонди бойлигини сақлаб қолиш;

— экологик тизимлар, ландшафтлар ва ноёб табиат объектлари хилма-хиллигини сақлаб қолиш;

— экологик хавфсизликни таъминлаш;

— табиат объектлари билан боғлиқ маданий меросни асраб қолишдир.

Табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50,54 ва 55-моддаларида қайд этилган.

Хусусан, 50-моддада фуқаролар атроф табиий-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар, дейилади. 54-моддада эса, мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади, дея таъкидланиб, мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга таъсир этмаслиги, зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шартлари кўрсатилади.

55-модда ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасида эканлиги акс эттирилган.

Юртбошимиз экологик муаммо тўғрисида сўз юритиб, «Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий ва доирадан чиқиб бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган» деган эдилар.

Бу билан экологик масъулиятнинг умуминсоний характерга эгалиги таъкидланади.

**Д.СУЛТОНОВА,**
**давлат нозири**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Савол: — Уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатлар деганда нималарни тушуниш мумкин? Шу ҳақда ва ҳукуматнинг бу борадаги ваколатлари хусусида маълумот беришингизни истардик.**

**Жавлон Маҳаматов,**
**Носир Жамолов,**
**Сергели тумани**

**Жавоб:** — Уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатлари фуқаролар, юридик шахслар, давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қуйидаги масалалар бўйича муносабатларини тартибга солади:

Турар жойларга мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқининг юзага келиши, амалга оширилиши, ўзгариши ҳамда бекор бўлиши;

Уй-жой фондини ҳисобга олиш;

Уй-жой фондини сақлаш, қараш ва таъмирлашни таъминлаш;

Фуқароларнинг уй-жой ҳуқуқларига риоя этилиши ва уй-жой фондидан мақсадли фойдаланиш устидан назорат қилиш.

Уйларни қуриш, турар жойларни қайта қуриш ва ўзгартириш, муҳандислик қурилмаларидан фойдаланиш, коммунал хизматлар билан таъминлаш билан боғлиқ муносабатлар Уй-жой тўғрисидаги Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Агар қонунда ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қоидалари чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл юридик шахслари иштирокидаги уй-жой муносабатларига нисбатан қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг уй-жой муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари қуйидагилардан иборат:

уй-жой фондидан фойдаланиш ва унинг асралишини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини юритади, уй-жой соҳасини ривожлантиришнинг давлат комплекс дастурларини қабул қилади;

Уй-жой хўжалиги ва коммунал хизмат кўрсатиш бўйича давлат бошқарув органлари фаолиятига раҳбарлик қилади;

Турар жойларни тақсимлаш ҳамда аренда, ижара шартномалари бўйича фуқароларга бериш, шунингдек уларни алмаштириш ҳамда сотиш тартибини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

Уй-жой ва коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш тизимини тартибга солади;

Компенсация, кредит ҳамда ссудалар бериш тартиби, шартларини тартибга солади ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

* * *

**Савол: — Болаларнинг насл-насабини белгилаш қонун ҳужжатларида қандай амалга оширилади?**

**Мирсолиқ Тожибоев,**
**Юнусобод тумани**

**Жавоб:** — Боланинг шу онадан туғилганлиги (оналик) ФҲДЁ бўлими томонидан тиббий муассасанинг ҳужжатларига кўра, бола тиббий муассасада туғилмаган ҳолда эса, бошқа далилларга асосан белгиланади. Аёлнинг никоҳ тузилгандан кейин ёки эрининг ўлими, никоҳдан ажратилганлиги ёхуд никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганлиги туфайли никоҳ тугаганидан сўнг уч юз кун ичида туғилган боласи никоҳда туғилган бола ҳисобланади.

Агар никоҳ тугаганидан кейин уч юз кун ичида бола туғилса ва бу даврда аёл янги никоҳга кирган бўлса, бола янги никоҳда туғилган ҳисобланади. Бундай ҳолларда собиқ эр ёки унинг ота-онаси боланинг насл-насаби хусусида низолашиш ҳуқуқига эга.

Она вафот этганда, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганда, онанинг қаердалигини аниқлаш имконияти бўлмаганда ёки у оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда, оталик васийлик ва ҳомийлик органи билан келишилган ҳолда ўзини боланинг отаси деб тан олаётган шахснинг аризасига биноан белгиланади.

Боланинг отаси суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, оталикни белгилаш тўғрисидаги аризани унинг номидан васийлик ва ҳомийлик органининг рухсати билан унинг ҳомийси бериши мумкин.

Оталикни белгилаш тўғрисидаги ариза боланинг туғилганлигини қайд этиш вақтида, шунингдек бола туғилганлиги қайд этилгандан кейин ҳам берилиши мумкин. Агар оталикни белгилаш тўғрисида бола туғилгандан сўнг эр-хотин биргаликда ариза беришининг имкони бўлмай қолиши ёки мушкул бўлишини кўрсатувчи асослар мавжуд бўлса, туғилажак боланинг ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онаси шундай аризани она ҳомиладорлик вақтида ФҲДЁ бўлимига беришга ҳақли.

Оталикни белгилаш рад этилганда, ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс суд тартибида шикоят қилиши мумкин.

**Икром ИСМОИЛОВ,**
**ҳуқуқшунос**

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси жамоаси Чилонзор туман 4–сонли давлат нотариал идораси нотариуси Шерзод Зиятович Есенбаевга онаси
**Тозагул Хужановна ХУЖАНОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ва тармоқ касаба уюшмалари шаҳар ташкилотлари Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раисининг ўринбосари, маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлимининг мудири
**Анатолий Николаевич ЕФИМОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари Бош бошқарма маъмурияти Юнусобод туман маданият ва спорт ишлари бўлимига қарашли М.Турғунбоева номидаги маданият уйи раҳбари, Республика халқ таълими аълочиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, «Умид» ёшлар студиясининг бадиий раҳбари Азим Азизовга ўғли
**Санжар АЗИМЖОНОВнинг**
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети жамоаси «Назарий механика ва машина деталлари» кафедраси катта ўқитувчиси Маҳамаджон Бариевга онаси
**ШИРМОНАМ аянинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети жамоаси «Назарий механика ва машина деталлари» кафедраси муҳандиси Зуҳра Ғофуровага опаси
**МИНОВАР аянинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# ЭРТАНГИ ҒАЛАБАНИНГ АСОСИ БУГУН ЯРАТИЛАДИ

**Мамлакатимиз таэквондочилари 2012 йили Лондонда бўладиган навбатдаги ёзги Олимпия ўйинларига тайёргарлик кўрмоқда.**



Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида спорт жадал ривожланаётган соҳалардан бирига айланди. Юртимизда аҳоли, айниқса, ёш авлод ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни оммавий спортга жалб этиш орқали жисмоний ва маънавий камолотини таъминлаш давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг муҳим йўналишларидан.

Бугун дунёнинг турли мамлакатларида бўлиб ўтаётган халқаро мусобақаларда, Олимпия ўйинларида, жаҳон ва Осиё чемпионатларида ғолиблик шоҳсупасига кўтарилиб, Ватанимиз байроғини сарбаланд қилаётган спортчиларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Муҳаммадқодир Абдуллаев, Ирода Тўлаганова, Рустам Қосимжонов, Акобир Қурбонов, Абдулла Тангриев...

Ўзбекистонда айниқса Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган спорт турларининг тобора ривожланаётгани, бу борада вакилларимиз қўлга киритаётган ютуқлар қувонарли.

Таэквондонинг 1996 йили Олимпия ўйинлари дастурига киритилган ВТФ йўналиши дунёда ривожланган спорт турларидан.

Ўзбекистон Таэквондо (ВТФ) ассоциациясининг 1993 йилда Жаҳон Таэквондо федерациясига аъзоликка қабул қилиниши спортчиларимизга жаҳон ва қитъа миқёсидаги чемпионатлар, нуфузли турнирларда мустақил жамоа сифатида иштирок этиш ҳуқуқини берди. Шу йилнинг августида АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида ўтган халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси "Юксак жанговар руҳи учун" номинацияси бўйича махсус кубокни қўлга киритди.

— Жаҳон ва Осиё чемпионатлари, Олимпия ўйинлари, халқаро турнирлардаги муваффақиятларимиз истиқлолимиз шарофатидан, — дейди жаҳон чемпиони Акмал Эргашев. — Мамлакатимизда биз, ёшларга барча соҳаларда ўз иқтидоримиз ва салоҳиятимизни намойиш қилишимиз учун кенг имкониятлар яратилган. Бунга жавобан нуфузли мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоғимиз лозим.

Дарҳақиқат, бу йилги спорт мавсумида Ўзбекистон таэквондочилари салмоқли ютуқларга эришди. АҚШнинг Лас-Вегас шаҳридаги халқаро турнирда Л.Эрматов ва А.Лим шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Жанубий Кореянинг Мужу шаҳрида ўтган халқаро турнирда эса таэквондочиларимиз 3 олтин, 3 кумуш ва 6 бронза медални қўлга киритди.

Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида илк маротаба ташкил этилган жанговар яккакурашлар бўйича I Осиё ўйинларида таэквондонинг ВТФ йўналиши бўйича беллашувларда қатнашган Е.Каримова терма жамоамиз ҳисобига кумуш медаль келтирган бўлса, Р.Пўлатов учинчи ўринни эгаллади.

Айни пайтда таэквондочиларимиз 2012 йили Лондонда бўладиган навбатдаги ёзги Олимпия ўйинларига пухта тайёргарлик кўрмоқда. Бунинг учун уларга барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

Жумладан, Ўзбекистон Таэквондо-ВТФ ассоциациясининг янги спорт мажмуасида спорт анжомлари билан таъминланган машғулотлар зали, шуғулланувчилар учун ётоқхона, ошхона, кийиниш ва ювиниш хоналари, теннис корти, волейбол ва баскетбол майдонлари мавжуд. Бу қулайликлар спортчиларимизнинг келажакдаги ғалабали одимларида катта аҳамият касб этиши шубҳасиз.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири**

## Спорт янгиликлари

# ДАРВОЗАЛАР ДАХЛСИЗ ҚОЛДИ

**«Пахтакор» марказий стадионига ЎТГАН КУНИ йиғилган минглаб мухлислар Ўзбекистон — Эрон терма жамоалари ўртасидаги назорат ўртоқлик учрашувининг гувоҳи бўлишди.**

Очиғини айтганда, 2010 йилда Жанубий Африка Республикасида футбол бўйича ўтказиладиган жаҳон чемпионатига саралаш турнирида муваффақиятсизликка учраган терма жамоамиз эндиликда Осиё чемпионатига саралаш баҳсларида омадини синаб кўради. Шу боис ҳам терма жамоамизнинг ҳозирги ҳолатини аниқлаш, қайси чизиқларда муаммолар борлигини билиш мақсадида эронлик чарм тўп усталари билан назорат ўртоқлик учрашуви уюштирилди.

Ҳар икки терма жамоа учрашувни эҳтиёткорлик билан бошлашди. Аввало, бош мураббий Миржалол Қосимов майдонга мамлакатимизнинг энг кучли футболчиларини туширганини таъкидлаш жоиз. Қизиғи, шу сафар айрим футболчиларимиз турли хил чизиқларда синовдан ўтказилди. Илгари ярим ҳимояда ҳаракат қилган Виталий Денисов ва Азиз Иброҳимовлар бу сафар ҳимоячи сифатида майдонда ҳаракат қилишди. Учрашувга бироз тўхталадиган бўлсак, ҳар икки терма жамоа ҳам ҳужумкор ўйин намойиш эта олишмади. Аксинча, қўпол ҳолатда қоида бузишлар туфайли ҳакам ҳар икки терма жамоа футболчиларини тез-тез тартибга чақиришга, ҳатто икки нафар футболчини майдондан четлатишга мажбур бўлди. 90 дақиқа давом этган беллашувда терма жамоамиз ярим ҳимоя ва ҳужум чизиқларида муаммолар етарли эканлиги кўзга ташланиб қолди. Натижада ўйин 0:0 ҳисобида якунланди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, терма жамоанинг назорат ўртоқлик учрашувларида кўпроқ иштирок этишини таъминлаш фойдадан холи бўлмайди. Бу футболчиларнинг бир-бирини тезроқ тушунишларига яқиндан ёрдам беради. Биз эса кўп минг сонли мухлислар номидан терма жамоамизга келгуси халқаро учрашувларда омад ёр бўлишини тилаймиз.

**Халқаро ҳаваскор боксчилар ассоциацияси томонидан курраи заминнинг энг кучли боксчилари рейтинги эълон қилинди.**

# РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ

Маълумки, сентябрда Италиянинг Милан шаҳрида бокс бўйича ҳаваскор боксчилар ўртасида ўн бир вазн тоифасида жаҳон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтади. Ушбу нуфузли турнир олдидан Халқаро ҳаваскор боксчилар ассоциацияси ташаббуси билан биринчи марта эълон қилинган рейтинг натижаларига кўра кубалик боксчилар олтита вазн тоифасида биринчи ўринни эгаллашди.

Икки юзга яқин мамлакат «чарм қўлқоп» усталари орасида ҳамюртларимизга умумжамоа ҳисобида ўн тўққизинчи ўрин лойиқ кўрилди. Шахсий биринчиликда эса энг яхши кўрсаткич 57 килограммгача боксчилар ўртасида Баҳодир Султоновга насиб этди. У ўз вазн тоифасида курраи заминнинг энг кучли иккинчи боксчиси деб эътироф этилган. 81 килограмм вазнда Элшод Расулов учинчи ўринда бормоқда.

**(Ўз мухбиримиз)**


## Ҳурматли тадбиркорлар!

*Тошкент шаҳар ҳудудида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ноқонуний текширишларнинг олдини олиш мақсадида «Ишонч телефон»лари ташкил қилинган:*

269-14-45, 262-92-42

**Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси**

**МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ**



**28 августдан бошлаб 2009-2010 йилги цирк мавсумининг очилишига бағишланган, Ўзбекистон Республикасининг етакчи цирк артистлари иштирокида**

**КАТТА БАЙРАМ ДАСТУРИ**

*Томошалар иш кунлари соат 15.00да, дам олиш кунлари соат 12.00 ва 15.00да ўтказилади.*



***Телефонлар: 244-35-91, 244-35-94, 244-32-23 www. sirk. uz.***


## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## ҲИКМАТЛАР

**Бахтиёрдир атрофини**
**бахтиёрлар қуршаган.**

* * *

**Илму дониш, шеъру шуур**
**билан машғул эрур доно,**
**Тентак эса ялқовланар,**
**уйқу урар, вақт ўтказар.**

* * *

**Чин дўстлар ноёбдир,**
**ошнолар сонсиз-саноқсиз,**
**Садоқатли дўст топганни**
**тақдир ўзи алқагай.**

* * *

**Ачиниб ўтирма пул йўқотдим деб,**
**Омад келса, қайтар давлатинг.**

* * *

**Аввалда ким сен билан**
**ёвлашган бўлса,**
**Дўст бўламан деса энди —**
**унга ишонма.**

* * *

**Касал зўрайиб, душман**
**кучайиб борар экан,**
**Бунга бепарво юрган**
**ҳалокатга учрагай.**

* * *

**Ичи қора душман билан**
**битим тезда бузилар.**

* * *

**Иттифоқчинг йўқ эрса,**
**ҳолинг бўладур душвор,**
**Эсиб турмаса шамол олов**
**сўнгай бемажол.**

* * *

**Кучинг улуғ бўлса ҳам,**
**Яқинларни ранжитма.**
**Даволайди табиб деб,**
**Заҳар ичмоқ тентаклик.**

* * *

**Бошлаган ишни чала қолдиргандан кўра ҳеч нарсани бошламаган маъқулроқ.**

* * *

**Қулай фурсатинг келур**
**фақатгина бир марта,**
**Қўлдан чиқарсанг кетур,**
**қайтмас сира орқага.**

* * *

**Муҳтож бўлиб келганнинг**
**кўкрагидан итарма.**

* * *

**Кучинг аяб ўтирмай ёрдам**
**қил қийналганга.**

* * *

**Мақсадга етиш учун бир жасоратнинг ўзи етарли эмас — ғалабага эришмоқ учун билим ҳам керак. Шунинг учун бир вақтнинг ўзида ҳам жасорат, ҳам билим эгаси бўлганлар ўз мақсадига қийналмай эришадилар.**

* * *

**Уринган ишинг қанчалар майда бўлиб кўринмасин, оқил ҳеч қачон бепарволикка берилмаслиги керак.**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади**

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР


**«Биринчи Автокорхона» ОАЖ қуйидаги автобусларни 17 сентябрь 2009 йили аукционга қўяди:**

— 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АФ 128, «Мерседес-Бенц О 405» русумли автобус, бошланғич баҳоси 37.000.000 сўм, закалат миқдори 7.400.000 сўм.

—1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AF 142, «Мерседес-Бенц О 405» русумли автобус, бошланғич баҳоси 35.000.000 сўм, закалат миқдори 7.000.000 сўм.

— 1995 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 10 AF 134, «Мерседес-Бенц О 405» русумли автобус, бошланғич баҳоси 36 000 000 сўм, закалат миқдори 7 200 000 сўм. Аукцион савдолари соат 11.00 да бошланади, савдо кунида сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга қўйилади.

**Манзил: 100146, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Уйсозлар кўчаси, 3-уй.**
**Тел: 290-90-21, 290-90-18.**


**ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ**
**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги Р-2146-сонли фармойишига асосан қуйидаги таълим муассасанинг вакант (бўш) бўлган директорлик лавозимига

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

| № | Таълим муассасаси номи | Манзили | Изоҳ |
|---|---|---|---|
| Директорлик лавозимига | | | |
| 1 | Тошкент банк коллежи | С.Раҳимов тум.Майқўрғон мавзеси С.Эшонтўраева кўч.75-уй | |

*Танловда олий маълумотли, камида 5 йил олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида педагог ҳамда раҳбарлик лавозимларида иш стажига эга бўлган, таянч олий маълумоти таълим муассасасида мавжуд бўлган тайёрлов йўналишларидан бирига тўғри келадиган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.*

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:**

1. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи номига ариза;
2. Туман ҳокимлигининг тавсияномаси;
3. Сўровнома (справка-объективка);
4. Таржимаи ҳол;
5. Олий маълумот ҳақида дипломнинг нусхаси;
6. Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
7. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
8. 3х4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
9. Паспорт (нусхаси);
10. Тавсифнома.
11. Меҳнат дафтарчасидан нусха.

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.
Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

**Мурожаат учун манзил:** **Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-31, 252-23-35.**




МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2810 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 345

Буюртма Г- 806

Топширилган вақти: 14.35